



ФРАНЦИЯ БИЛАН ҲАР ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни Франция Президентининг маслаҳатчиси Изабель Дюмонни қабул қилди. Учрашувда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари ва икки мамлакатнинг ҳар томонлама шериклигини кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Эммануэль Макроннинг самимий саломи ва шахсий мактубини etkazди.

Учрашувда фаол сиёсий мулоқотларни давом эттириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, Франциянинг етакчи компания ва банклари билан "яшил" энергетика, казиб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, сув таъминоти тизимини, транспорт ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш каби йўналишларда биргаликдаги йирик лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Париж шаҳридаги Лувр музейи ва Араб дунёси институтидаги маданий тадбир ва кўргазмалар муваффақиятли ўтгани юзасидан баҳоланди. Ўзбекистон мактабларида француз тилини ўрганишни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда 15 мингта ижтимоий соҳа объектида иситиш тизимлари таъмирталаб. Оқибатда уларда иссиқлик энергиясининг 35 фоизи йўқотилмоқда, иссиқлик ҳарорати меъёрга нисбатан 2 баравар паст.

Шу боис Бўстон туманида иситиш тизимини хусусий шериклик асосида янгилаш ва бошқариш бўйича тажриба ўтказилган эди. Иситиш қозонлари замонавийларига алмаштирилган ҳамда тармоқлар модернизация қилиниб, хусусий бошқарувга берилган. Натижада энергия сарфи камайиб, бинолар ичидаги ҳарорат кўтарилган. Айниқса, ўтган қишдаги аномал совуқ даврида ҳам объекتلарда мўътадил ҳарорат сақлаб турилган.

Йиғилишда ушбу тажрибани омалаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Унга кўра, иситиш тизими тадбиркорларга 10 йилга бошқарувга берилди ва уларнинг хизматлари давлат томонидан сотиб олинади. Тармоқлар модернизацияси учун зарур маблағнинг ярми бюджетдан, ярми хусусий шерик ҳисобидан ажратилади. Иситиш қозонларини ишлаб чиқаришга керакли бутловчи қисмлар икки йил муддатга божхона божидан озод қилинади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, ташкилий ва молиявий масалалар бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддиларга туман ва шаҳарлардаги ижтимоий объектларнинг иситиш тизимларини хатловдан ўтказиб, босқичма-босқич янгилаш, уларни бошқаришга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш топширилди. Биноларда энергия йўқотилишини камайтириш, иссиқликни сақлаш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди. Инвесторлар иштирокида энергия тежамкор иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда кўмир таъминоти масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Сўнгги йилларда юртимизда кўмир казиб чиқариш 3 миллион тоннадан 5,4 миллион тоннага ошган. Бу йил эса салкам 6 миллион тонна казиб олиш режалаштирилган. Лекин кўмирга талаб бундан анча кўп.

Президентимиз истиқболли конларни ўзлаштиришга хусусий секторни ва янги технологияларни жалб қилиш, кўмирнинг сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

Ҳилола ИСМАТОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан "Иссиқлик манбаи" ДУК Навоий шаҳар филиали 3-кўтарма биносида ишчи-ходимлар, муҳандис ва архитекторлар иштирокида "Биз мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмасмиз!" шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.



Унда бошқарма раҳбарияти ва бошқарув тизими мутасаддилари, депутат ҳамда ёшлар вакилларининг юртимиздаги муҳим сиёсий жараёнга бағишланган маърузалари тингланди. Сўзга чиққанлар Конституциявий қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгаришлар халқимиз фаровонлиги ва инсон кадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилишини ҳамда референдумда фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидлашди.

Ушунга қўшиб, тадбирда сўз олган "19-Олтин



водий" Сайлов округидан сайланган Халқ депутати Навоий шаҳар Кенгаши депутати Азиза Аминова Бош қомусимизга киритилаётган нормаларга алоҳида тўхталиб, уларнинг аҳамияти тўғрисида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Айниқса, НДПИ декани, ёшлар вакили Нодирбек Умаровнинг олий таълим талабаларини грант асосида ўқитиш Конституция билан мустаҳкамланиши ҳақидаги фикрлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.



Бугуннинг талаби, эртанинг кафолати

Шу кунларда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар, эвент тадбирлари ташкил қилинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент архитектура-қурилиш университетидеда "Конституциявий ислохот – бугуннинг талаби, эртанинг кафолати!" шиори остида ёшлар билан бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман Кенгаши депутатлари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари, партия фаоллари, университет ўқитувчилари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар инсон кадрини юксалтиришга қаратилгани, Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришларнинг негизида ҳам Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар моҳиятини белгилловчи "Инсон кадри учун" улуғвор госяи ётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Халқимиз ҳозирги тарихий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмоқда. Халқ фикрини ўрганиш асосида мамлакат конституциясини такомиллаштириш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни янги сифат даражасига кўтариш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, Ўзбекистоннинг дунёдаги энг илғор давлатлар қаторига киришига улкан имкониятлар яратяди.

Тадбирда иштирок этган депутатлар мамлакатимиз аҳолисининг 18 миллиондан ортиси ёшлар экани, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласига алоҳида боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Тадбир савол-жавоблар асосида кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

Таълимга эътибор келажакка эътибордир

Азамат МЕТЯКУБОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори.

"Бетакорор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир". Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан жорий йил 20 июнда бўлиб ўтган учрашувда худди шундай деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжихатликка чақирди. Ўртбошимиз уқтирганидек, "Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгилаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта, биргаликда барпо этамиз".

Президентимиз давтавал ҳозирги тақликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият, она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилиш ҳамда конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати билан боғлиқ долзарб саволларга баровонлигини янада ошириш, Ўзбекистоннинг дунёдаги энг илғор давлатлар қаторига киришига улкан имкониятлар яратяди.

Тадбирда иштирок этган депутатлар мамлакатимиз аҳолисининг 18 миллиондан ортиси ёшлар экани, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласига алоҳида боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.



жисмоний, ақлий, руҳий ёки бошқа нуқсонлари бўлган болалар учун ҳам мактабларда сифатли таълимни ташкил этилиши белгиланяпти.

Маълумки, институт ва университетларга кириш имтиҳонлари ёшлар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам доим хавотирли вазиятлардан бўлиб келган. Энди давлат иложи борича кўпроқ ёшларимиз олий маълумотли бўлиши учун бор имкониятларни ишга солади, институт ва университетларни кўпайтириш, "бюджет" уринлар сонини ошириш режалаштирилмоқда. Қолаверса, олий таълим муассасаларига ўзини-ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитишда эркинлик берилиши ҳам тегишли моддалар билан кафолатланмоқда.

Ўзбекистонда ёшлар масаласига доимий равишда катта эътибор қаратилган. Чунки ёшлар ҳақиқатан ҳам, халқнинг катта қисмини ташкил қилди, улар катта куч, келажак эгаларидир. Шу боис, янгилаётган Қомусимизда ёшлар масаласига ҳам катта аҳамият қаратилаётгани, қувонарли. Зеро, ҳар қандай давлатнинг келажаги бевосита ёшларга боғлиқлиги ҳам бор гап. Янги таҳрирдаги Конституциявий қонун лойиҳаси ҳам ёшларга керакли шароит яратишни, ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, уларнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этишини кўлаб-қувватлаш бўйича ўзига бир қатор мажбуриятларни олмақда. Бу бўйича тегишли моддаларда белгилаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституция мамлакатимиз ривож, эртанги куни, аҳолини ҳақ-ҳуқуқлари, миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган миллий стратегиямизни ифодалаш билан ҳам ҳар биримиз учун аҳамиятлидир.

“Қорасув” массивининг Ширин ҳудуди режаси муҳокама қилинди



Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида Самарқанд шаҳрининг “Қорасув” массивининг Ширин ҳудуди режасини ишлаб чиқиш масаласига бағишланган Маслаҳат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда университет ректори, профессор ўқитувчилар, маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирок этишди. Йиғилишда ушбу масала юзасидан университет профессори К. Раҳимов сўзга чиқиб, лойиҳанинг долзарблиги, мазмуни ва моҳияти тўғрисида гапирди.

Йиғилишда Туркиянинг “ND IMAR” лойиҳа ташкилоти раҳбари Надир Доған томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантириш режасининг тақдими ўтказилди. Тақдиротда лойиҳада илгари сурилган инновацион ғоялар ва устувор йўналишлар, аввалги берилган тавсиялар асосида ўзгартирилган ҳудудлаштириш лойиҳаси намойиш этилди. Булар – Қорасувдаги маъмурий ҳудудларни зоналаштириш ва чегараларни аниқлаш, бу ердан оқиб ўтувчи анҳорнинг сув сатҳи, камайиб-кўпайиш нормасининг ҳисоби, сув иншоотлари, канализация, коммуникация тизимлари, электр

қурилмаларнинг жойлашуви схемаси, газлаштириш, ероти коммуникацион тизими ва қатламларидаги жойлашуви каби масалалардан иборат бўлди. Шунингдек, тақдиротда кўп қаватли уйлarning эски шаҳар қисмидаги Регистон майдонига қиёсий ўхшашмалар ва мутаносиб ўлчамлардан фойдаланиб уйлarning лойиҳа шартлари, Аэропорт ҳудуди ва унинг атрофидаги ландшафт боғ-паркларни лойиҳалаш ечимлари, чиқинди ташлаш майдонлари ва уларда инновация ечимлари кўллаш, ёмғир сувларидан фойдаланиш ечимлари ҳамда иншоотлари видеоназорлар орқали кўрсатиб берилди.

Маслаҳат кенгашида Самарқанд шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими раҳбари Ш. Жумаев ҳам сўзга чиқиб, ероти коммуникация тизими ва қатламларидаги жойлашуви юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Вилоят Иқти-

содиёт ва молия бошқармаси бўлими бошлиғи Ш. Эшқувватов эса кўп қаватли турар жойлар орасидаги ўзаро айвон шаклида боғланган қурилмалар, аҳолининг буюғига чиқиши, бунда шаҳарнинг йўналиши ва таъсири қай ҳолатда экани ҳисобга олинган ёки олинмагани ҳақида маълумот берди.

Ўз навбатида “ND IMAR” лойиҳа ташкилотининг раҳбари Надир Доған турар жойлар орасидаги ўзаро айвон шаклида боғланган қурилмалар ҳисобга олингани, аммо конструктив қўшимча қурилмалар қўйиш мақсадаги мувофиқлигини таъкидлади. Шунингдек, у “Қорасув” массиви лойиҳа концепциясини қанча вақтда якунлаштириш борасидаги маълумотларни ҳам муҳокамага қўйди.

Шунингдек, Кенгашида сўзга чиққан соҳа мутахассислари “Қорасув” массиви муҳитининг шаҳар-созликдаги аҳамияти борасида тўхталиб, биринчи навбатда, лойиҳада инновацион қисмини ёритиб бериш, унда альтернатив электр таъминоти, лойиҳаланадиган ҳар бир ҳудуд, унинг деталлари архитектура ва 3D кўринишлари бажарилиши муҳимлигини айтишди. Бундан ташқари, “Қорасув” массивининг Ширин ҳудуди бўйича қилинган лойиҳа концепциясини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан Республика мутахассислари эътиборига ҳавола қилиш, жамоатчилик ва мутахассислар фикрини ўрганиш мақсадаги мувофиқ экани ҳам таъкидланди.

Фарғонада замонавий қозонхона қурилади

Фарғона вилоятида истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш, замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, Фарғона шаҳар “Илғор” МФЙ ҳудудидаги 300 гектар майдонда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги кўп қаватли уйлarda ҳамда ижтимоий соҳа объектларини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида Хитой халқ республикасининг “Самс Engineering CO LTD” компанияси Марказий Осиё бўйича эксперти Ҳан Хуели, Қурилиш

ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, вилоят “Иссиқлик манбаи” қорхонаси мутахассислари билан биргаликда, қозонхона қурилиш лойиҳаси ҳамда қурилиш майдонини кўздан кечиришди.

Мазкур лойиҳа икки босқичда амалга оширилиб, дастлабки босқичи жорий йил якунига қадар ишга туширилади. Унга қўра, 2 дона қозон,

буғ трубинаси ҳамда иссиқлик алмашинув станцияси барпо этилиши натижасида йилга 250 МВт энергия ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Лойиҳа тўлиқ ишга тушганидан сўнг, массивдаги 298 та кўп қаватли уйлarning 14 751 та хонадонини ҳамда 18 та ижтимоий соҳа объектлари марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Ўз мухбиримиз.

Ҳудудларнинг меъморий қиёфаси янгилашишда давом этяпти

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қашқадарёнинг бугунги кўринишга келишида бунёдкор ва қурувчиларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Айниқса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида вилоятда бунёдкорлик ишлари янада кенгайди.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сонли қарорига асосан, вилоятда жами 621 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган ва улар бўйича лойиҳалар, лойиҳа-қидирув ишлари бажарилиб, молиялаштириш ниҳосига етказилди. Жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бюртмачилигида 56 та, сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича 48 та, йўл қурилишида 46 та объект, электр тармоқларида 12 та ва табиий газ тармоқларида 7 та, “Ўзтелеком” акциядорлик компанияси бюртмачилигида 9 та объект бунёд этилди.

Булардан ташқари, вилоятда қўшимча яна 112 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши белгиланган. Иш бошлаш аввалда архитектура-режалаштириш топшириғи юзасидан 18 та умумтаълим мактаби, 23 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та олий таълим муассасаси, 9 та қирғоқ бўйи ва бошқа ҳимоя иншоотлари, 1 та ҳуқуқни муҳофаза қилиш, 2 та автомобиль йўллари ҳамда кўприк объекти, 1 та иссиқлик таъминоти РК-3 марказий қозонхоналарнинг ҳужжатлари тайёрланди. Амалдаги тартиб-таомил бўйича 60 та объектда электрон тендер савдолари ўтказилиб, пудрат ташкилотлари аниқланди.

Шунингдек, режага киритилган яна 366 та объектнинг 271 тасида қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 68 таси йилдан-йилга ўтувчи бўлгани сабабли ҳозирда ҳам бу объектларда зарур ишлар давом этмоқда. Масалан, Муборак туманидаги “Янги Қоракўм” массиви, “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 660 ўринли янги мактаб биноси, 1 та жисмоний тарбия ва спорт объекти, Қарши шаҳридаги собиқ Насаф ўйингоҳи ўрнида кўп тармоқли спорт ва соғломлаштириш мажмуасини реконструкция қилиш юзасида амалий ишларга киришилган.

Қашқадарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга қўра, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларининг амалга оширилаётгани аҳолини мамнун этмоқда.

Бу жиҳатдан Ғузор тумани марказидан Янгиҳаёт қишлоғи йўналиши бўйича Янгиҳаёт, Баҳмал, Оқбуён қишлоқлари ҳудудидан ўтувчи магистрал сув узатиш қувурини ётқизиш, Қарши туманидаги “Беҳкент” насос станциясини тўлиқ таъмирлаш, Ғузор тумани марказида сув тарқатиш тармоқларини қуриш ва ичимлик сувини қабул қилувчи, тарқатувчи “Батож” насос станциясини, Нишон туманидаги “Толимаржон” сув омборидан Нишон, Қарши, Миришкор ва Қасби туманла-

рига ичимлик суви етказиб берадиган ПК-162 ва “Нишон-2” насос станцияларини реконструкция қилиш, Ғузор тумани марказидан Тошгузар йўналиши бўйича Нурафшон, Чугуртма, Бойинқора, Каттақишлоқ, Чўқур, Долтали, Чаманзор, Тошгузар қишлоқлари ҳудудидан ўтувчи магистрал сув узатиш қувурини ётқизиш кўзда тутилган. Бошқа туман ва шаҳарларда ҳам шу сингари ишларни бажариш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда уларнинг аксарияти якунига етказилган.

Йилдан-йилга ўтувчи Деҳқонobod туманидаги Деҳқонobod сел сув омбори фойдали ҳажминини қўшимча 20,0 млн м³га ошириш, Ғузор туманидаги “Муस्ताқиллик” ва “Дўстлик” кўчаларини ободонлаштириш, Деҳқонobod маркази – Қорашина шаҳарчасидан ўтувчи М-39 автомобиль йўли, “Бунёдкор”, Нодира, “Гулистон”, М. Улуғбек ва М. Аҳмедов кўчаларини замонавийлаштириш, “Қамаши-Чимқўрғон” айланма йўли, Алпомиш кўчаларининг меъморий қиёфасини янгилаш, Косон, Яқабоб, Миришкор каби туманлардаги объектларда босқичма-босқич қурилиш ишлари олиб боришмоқда.

Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини ўз мuddатида сифатли қилиб топшираётган “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа-қидирув институтининг вилоят филиали, “Қарши капитал қурилиш” МЧЖ, “Озод Ибрат Капитал қурилиш” ХК, “Гидротехника ирригация” ХК, “Файз Бинокор Олтиариқ” ХК, “Қашқадарё ХЕТ” АЖ ва Қашқадарё ҳудудий “Электртармоқлари” АЖ, “Ҳудудгаз Қашқадарё” МЧЖ, “Нур Камол Мега инвест” МЧЖ, “Ҳисорагидроқурилиш” МЧЖ ҳамда “ХХ1-Аср” ХК сингари пудрат ташкилотларининг хизматлари эътирофга муносибдир.

Қурилиш ва бунёдкорлик ҳудудларнинг меъморий қиёфасини янгилаш ишларига 2023 йилда ҳам алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Масалан, Косон туманининг “Дўстлик” МФЙ ҳудудида аҳоли талабидан келиб чиқиб 2 та кўп қаватли турар жой қурилиши белгиланган. Қурилиш учун ер участкалари “Yer-elektron” ААТга киритилди ва ҳозирда лойиҳалаш ишлари бажаришмоқда. Шунингдек, мазкур ҳудудда 2022-2026 йиллар оралиғида 100 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган ва шу кунларда уларнинг 30 тасида қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Яқабоб туманидаги “Айғирқўл” МФЙ ҳудудида ҳам 2 та кўп қаватли турар жой қурилиши юзасидан тегишли тартибда ишлар бошланиб, қурилиш учун ер участкаларини аукционга қўйилди. Ҳозирда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, биринчи қаватда қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Шу ҳудудда яна 25 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланиб, барчасида қурилиш-монтаж ишларига жадал киришилган.

“Тадбиркорлар мактаби” – бир йиллик натижалар қандай?

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6244-сонли фармонида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ҳузурида “Тадбиркорлар мактаби” ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилган. Мақсад – тадбиркорлик субъектлари ва манфаатдор аҳоли вакилларини қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги бизнесни замонавий асосда ташкил қилишга ўқитиш ҳамда уларга янада кенг имкониятлар яратишдир.



Ҳўш, бу тажриба амалда ўзини қай даражада оқлади? Марказда ўқиб, тажриба ортирди мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари қандай?

“Тадбиркорлар мактаби” да ўқув машғулотларининг мuddати икки ҳафтага мўлжалланган бўлиб, урғу асосан амалиётга берилади. Шунингдек, курс охирида ҳар бир тингловчидан алоҳида бизнес лойиҳа тайёрлаш талаб қилинади. Амалий дарслар қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда ташкил этилиши билан аҳамиятлидир. Ўқув жараёни замонавий хориж стандартлари асосида ташкил этилган. Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари Германия таълим тизимида кўп қўлланиладиган дуал-таълим тизими асосида яратилган.

Ўқув машғулотларини олиб бориш учун ўз соҳасида юқори малакага эга маҳаллий ва хорижий мутахассислар ўқитувчи сифатида жалб қилинган. Ўқув маркази бир вақтнинг ўзида 40 нафар тингловчига мўлжалланган бўлиб, улар барча зарурий таълим воситалари, ўқув қуроллари, адабиётлар билан таъминланган. Машғулотлар замонавий ўқув дастурлари ва янги таълим методлари асосида амалга оширилиб келинмоқда.

– Ундан ортиқ олий таълим муассасаси ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатганмиз, – деди марказ раҳбари Саид-аҳмад Раззоқов. – Жами 72 соатга мўлжалланган курслар модулларга ажратилган ҳолда чуқур малака ва кўникмага эга фан номзодлари, фан доктор-

лари, профессорлар томонидан олиб бориляпти. Хусусан, энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологиялари бўйича Туркиянинг Малтепе университети PhD даражасига эга мутахассиси Ш. Хабиби, Будапешт технологиялар ва иқтисодиёт университети DSc даражасига эга мутахассислари Тибор Сзиганий ҳамда Жанос Левендовский жалб этилган.

Ўқув машғулотлари якунида битирувчиларга “Келажак учун бўнак” тамойили асосида махсус рақамланган сертификатлар тақдим этилади ва уларнинг кейинги фаолияти мутахассислар орқали доим қўллаб-қувватлаб борилади. Тингловчилар ортирди билгим, кўникма ва малакадан фойдаланиб, ўз бизнесини бошлаш учун яқна тартибда бизнес лойиҳа тайёрлайди. Ушбу жараёнда уларга соҳа маслаҳатчилари бириктирилади ва доимий тарзда ҳудудларда ташкил этилган “Қурилиш материалларини ривожлантириш марказлари” томонидан амалий кўмак бериб борилади.

Шу кунга қадар ўқув машғулотларида 12 та корхона раҳбари, 16 та инженер-технолог, 14 та қурилиш иш бошқарувчи, 15 та давлат хизматчиси, 32 та акка тартибдаги тадбиркор, 6 та таянч докторант ва мустақил иزلанувчи, 26 та магистр ва 43 та бакалавр ҳамда бошқа манфаатдор аҳоли вакиллари ўз билимларини янада оширдилар.

– “Тадбиркорлар мактаби” да олган билим ва эгаллаган кўникмаларим туфайли хомашёни танлаш жараёнида мавжуд стандартларга эътибор қаратишни ўргандим, – деди ўқув маркази тингловчиси, “Нито stroymix invest” МЧЖ муҳандиси Х. Жонбеков. – Шунингдек, технологик йўриқномада келтирилган параметрлардан четлашмаган ҳолда хомашёни миксерда аралаштириш жараёнини оптималлаштиришга эришдик. Бунинг натижасида корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати 10-15 физига ошди.

Бундан ташқари тингловчилардан бири, “Mubina enterprise progress” МЧЖ раҳбари М. Чўтбеовага қора мрамрни қайта ишлаш ҳамда мувофиқлик, гигиеник сертификатларни расмийлаштиришда яқиндан кўмак берилди. Шунингдек, яна бир тингловчи, “Agrokvant” МЧЖ бош менежери Н. Нодиров томонидан эшик ва ромлар ишлаб чиқариш, металл листларни ҳар хил тарзда букиш, сув башнялари ҳамда металл сизимлар ясаш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ўқув маркази ўзининг алоҳида логотипига эга. Тингловчилар ягона кўринишдаги махсус кийимлар билан беғул таъминланмоқда. Утган 2022 йил давомидаги 12 мавсумда жами 484 нафар тингловчи ўқув режа асосида ўз билим, малака ва кўникмаларини оширдилар. Энг муҳими, ўқув маркази мутахассислари томонидан тингловчиларнинг билдираётган тақлиф ва мулоҳазалари доимий тарзда таҳлил қилиниб, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига киритиб бориляпти.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар
диққатига!

“Ko'chmas mulk
xizmatlarini
ko'rsatish
jamiyati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига
таклиф этади!

“Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 3 апрелдаги 45-сонли бюртманомасига асосан, қурилиш режалаштирилган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони – 7 дона, савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони – 12 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 193 920 000 сўм.

2. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган савдо шохобчасининг сони – 1 дона, савдо шохобчасининг майдони – 18 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси – 181 800 000 сўм.

3. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони – 1 дона, савдо шохобчасининг майдони – 35 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси – 123 725 000 сўм.

4. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони – 4 дона, савдо шохобчаларининг майдони – 35 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 353 500 000 сўм.

5. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган савдо шохобчасининг сони – 1 дона, савдо шохобчасининг майдони – 42 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси – 148 500 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2023 йил 2 май куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 4 май куни соат 11.00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 18, 30 май, 8, 19, 28 июнь, 7, 17, 27 июль, 7, 17, 28 август, 7, 18, 27 сентябрь, кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этади: юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; жисмоний шахслар – СТИР ва паспортининг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги сумма ни закалат сифатида “Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” МЧЖнинг қўйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ “Davr bank” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказилмаган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодонзор йўли кўчаси, 33-уй.

Телефон: 71-237-23-91.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “LOMBARD RELIABLE-CREDIT” МЧЖнинг 2023 йил 31 мартдаги 11-сонли ариза бюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 13 апрель ва Юнусобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 25 январдаги ижро хатларига асосан ундурўга қаратилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-навзе, 16-уй, 14-хонадон манзилида сақланаётган қўйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдосига қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	908	Кулон. Общим весом 3,20 гр.	1 268 759,99
2.	1086	Кольцо; серги с бел. кам. слом. Общим весом 6,94 гр.	2 641 992,35
3.	1140	Цепь деформ.; браслет деформ. Общим весом 10,77 гр.	5 303 983,70
4.	1183	Кольцо с син. кам. слом. деформ.; кулон с янтарем. Общим весом 1,79 гр.	718 913,97
5.	1187	Серги с бел. кам. с деф. Общим весом 2,06 гр.	870 288,93
6.	1189	Кольцо деформ. Общим весом 1,89 гр.	820 722,98
7.	1381	Кольцо с крас. кам.; кольцо с крас. кам.; кольцо с деф. Общим весом 13,86 гр.	5 249 322,50
8.	1387	Цепь; кулон с деф. Общим весом 8,53 гр.	3 442 123,84
9.	1556	Булава с син. кам. деформ. Общим весом 0,87 гр.	459 660,00
10.	1636	Серги с бел. кам. с мет. накл. погн. Общим весом 2,35 гр.	1 145 308,70
11.	1653	Кольцо с бел. кам. с деф. Общим весом 1,55 гр.	746 899,05
12.	1697	Серги с бел. кам. погн. Общим весом 4,98 гр.	1 304 383,70
13.	1708	Кольцо с чер. кам. двух кам. нет с деф. с дыркой. Общим весом 2,24 гр.	1 185 531,95
14.	1714	Серги с крас. кам. погн.; кольцо с крас. кам. погн. Общим весом 3,93 гр.	1 465 299,53
15.	1732	Серги; серги с красн. кам. Общим весом 4,58 гр.	1 580 301,56
16.	1735	Кольцо с красн. кам. погн.; серги с голуб. кам. ушки шат. погн.; серги с бел. кам. ушки шат. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 15,14 гр.	6 940 183,70
17.	1743	Цепь+кулон с деф. замок слом. Общим весом 6,34 гр.	3 061 783,70
18.	1747	Браслет погн. деформ. с биркой; браслет с деф.; цепь деформ.; серги с бел. кам. погн. Общим весом 22,79 гр.	10 833 733,70
19.	1754	Цепь. Общим весом 4,29 гр.	1 743 733,70
20.	1777	Кольцо с бел. кам. одного кам. нет; серги с бел. и зел. кам. Общим весом 7,01 гр.	3 107 233,70
21.	1910	Кольцо деформ. с бел. кам.; кольцо паян. с наклад. 375, 0,70; колье с бел. кам. погн. паян. замок слом. Общим весом 26,34 гр.	12 651 733,70
22.	1911	Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. деформ.; кольцо с дыркой деформ.; серги с бел. кам. деформ. двух кам нет; серги паян. погн.; браслет с деф. погн. Общим весом 10,31 гр.	4 630 958,08
23.	1958	Кольцо с бел. кам. одного кам. нет, погн. Общим весом 1,45 гр.	758 983,70
24.	2016	Браслет. Общим весом 2,12 гр.	1 061 983,70
25.	2031	Браслет; кольцо с бел. кам.; кольцо. Общим весом 11,54 гр.	5 007 639,60
26.	2106	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,62 гр.	834 733,70
27.	2125	Цепь погн. паян. Общим весом 6,77 гр.	3 349 633,70
28.	2215	Кольцо с бирк. паян с бел. кам. Общим весом 1,36 гр.	713 533,70
29.	2285	Кольцо с бел. кам. деформ. паян.; кольцо с бел. кам. погн.; браслет деформ. Общим весом 6,99 гр.	3 364 783,70
30.	2395	Серги. Общим весом 5,28 гр.	2 713 333,70
31.	2439	Кольцо. Общим весом 2,23 гр.	1 198 333,70
32.	2604	Кольцо с деф. погн. Общим весом 2,22 гр.	931 693,70
33.	2866	Браслет 1 шт. зв. погн.; кольцо 1 шт. с бел. кам. погн. Общим весом 4,00 гр.	1 895 233,70
34.	2987	Кольцо. Общим весом 3,29 гр.	1 828 460,08
35.	3072	Кольцо с бел. кам. паян.; кольцо с бел. кам. погн.; серги с мет. накл. деформ.; кольцо с бел. кам. погн.; цепь слом. фрагм. отсут.; браслет; серги с бел. кам. деформ.; кольцо с бел. кам.; серги с бел. кам. Общим весом 34,97 гр.	17 045 233,70
36.	1	Кольцо погн. с бел. кам. одного кам. нет; серги с бел. кам. Общим весом 3,26 гр.	1 481 759,90
37.	53	Браслет с красн. кам. погн. Общим весом 22,40 гр.	4 622 233,70
38.	98	Серги с бел. кам. Общим весом 3,00 гр.	1 243 444,34
39.	138	Цепь. Общим весом 2,53 гр.	1 228 633,70
40.	240	Кольцо с бел. кам. смет. накл.; серги с бел. и син. кам.; кольцо с крас. кам. Общим весом 12,59 гр.	5 803 933,70
41.	247	Браслет слом. фрагм. отсут. деформ.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 5,22 гр.	2 213 383,70
42.	287	Кольцо с бел. кам. паян.; серги с бел. кам. и зел. кам. погн. Общим весом 3,16 гр.	1 607 383,70
43.	320	Кольцо. Общим весом 6,48 гр.	3 213 283,70
44.	326	Кулон; цепь с мет. накл. Общим весом 4,87 гр.	2 349 733,70
45.	346	Кольцо с бел. кам. с брилл. 2 мм 12 шт.; серги с зел. кам. с брилл. 2 мм 24 шт. Общим весом 17,13 гр.	10 195 658,12
46.	509	Кольцо с бел. кам. Общим весом 2,70 гр.	1 307 171,30
47.	550	Серги с бел. и зел. кам. ушки шат. погн. Общим весом 2,30 гр.	1 198 333,70
48.	631	Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам.; цепь погн.; серги с голуб. кам. погн. Общим весом 17,28 гр.	7 501 157,90

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
49.	661	кольцо с бел кам с деф; серги с бел кам погн. Общим весом 6,29 гр.	3 031 483,70
50.	669	Серги с брил. диам. 3 мм. 2 шт.; цепь слом. фрагм. отсут.; браслет с деф.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. с брилл. оскол. 23 шт. Общим весом 23,03 гр.	11 239 269,29
51.	723	Браслет с бел. кам. одного кам. нет. погн. Общим весом 10,67 гр.	4 925 233,70
52.	759	Серги с бел. кам. погн. Общим весом 2,33 гр.	1 168 033,70
53.	816	Кольцо с бел. кам.; цепь погн. Общим весом 6,58 гр.	3 107 233,69
54.	930	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,33 гр.	698 383,69
55.	935	Кольцо; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,89 гр.	1 895 233,69
56.	1008	кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,65 гр.	1 493 627,39
57.	1019	Кольцо. Общим весом 3,06 гр.	1 516 483,69
58.	1029	Кольцо с бел. кам. Общим весом 2,37 гр.	1 161 064,69
59.	1049	Кольцо с бел. и голуб. кам. Общим весом 1,56 гр.	789 283,69
60.	1111	Кольцо с бел. кам. Общим весом 2,15 гр.	1 092 283,69
61.	1149	Браслет погн.; колье погн. Общим весом 22,56 гр.	10 682 233,69
62.	1225	Кольцо с бел. и зел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 2,88 гр.	1 122 482,69
63.	1469	Кольцо с бел. и зел. кам. одного кам. нет; кольцо с бел. кам.; браслет. Общим весом 8,85 гр.	4 167 733,69
64.	1541	Серги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 5,86 гр.	2 804 233,69
65.	1677	Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо; кольцо погн.; серги; кольцо погн. Общим весом 13,12 гр.	5 685 187,69
66.	1709	Кольцо с бел. кам. погн.; серги с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; серги с красн. кам. погн. Общим весом 12,98 гр.	4 731 343,69
67.	1736	Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. одного кам. нет. Общим весом 4,00 гр.	1 674 073,69
68.	1773	Серги с бел. кам. погн. Общим весом 4,25 гр.	2 013 433,69
69.	1863	Кольцо с бел. кам. трех кам. нет погн.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. тресн.; серги погн. Общим весом 8,23 гр.	3 278 900,36
70.	1891	Серги с бел. кам. погн.; кольцо с мет. накл.+схотч. Общим весом 4,15 гр.	1 892 233,69
71.	1977	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,45 гр.	725 683,69
72.	1996	Серги с зел. и голуб. кам. Общим весом 3,54 гр.	1 680 133,69
73.	2022	Кольцо с бел. и зел. кам., трех кам. нет, погн. Общим весом 3,64 гр.	1 725 583,69
74.	2075	Кольцо; кольцо погн. Общим весом 4,45 гр.	2 104 333,69
75.	2096	Цепь погн. с деф.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 6,19 гр.	2 876 983,69
76.	2374	Кольцо с бел. и зел. кам. погн. Общим весом 1,97 гр.	968 083,69
77.	811	Серги погн. Общим весом 2,46 гр.	1 119 583,69
78.	837	Кольцо с бел. кам.; серги с бел. кам. Общим весом 7,16 гр.	2 314 009,69
79.	888	Браслет погн. Общим весом 7,12 гр.	1 498 333,69
80.	955	Кольцо погн. Общим весом 2,88 гр.	1 286 233,69
81.	1013	Кольцо с бел. и син. кам. (деформ.). Общим весом 2,63 гр.	1 271 083,69
82.	1159	Браслет. Общим весом 6,05 гр.	2 649 733,69
83.	1287	Цепь с деф. Общим весом 5,28 гр.	2 467 933,69
84.	1320	Кольцо с бел кам. Общим весом 2,73 гр.	2 149 533,69
85.	1321	Кольцо паян. Общим весом 1,55 гр.	729 319,69
86.	1400	Серги. Общим весом 4,47 гр.	2 437 633,69
87.	1417	Кольцо с бел.кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 4,94 гр.	2 144 329,69
88.	1445	Браслет погн. Общим весом 10,20 гр.	4 013 233,69
89.	1476	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,62 гр.	1 119 583,69
90.	1533	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 2,68 гр.	846 883,69
91.	1583	Кольцо погн.; кольцо погн. Общим весом 5,52 гр.	2 589 133,69
92.	1622	Серги с бел. кам. Общим весом 3,08 гр.	1 468 033,69
Жами бошланғич баҳоси			265 367 414,93

Аукцион савдолар 2023 йил 4 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2023 йил 2 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2023 йил 4 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 18 май ва 1 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмасор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб-сайт: www.rtm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Ёшингизга ёш қўшилсин, устоз!

Орифжон ИСМОИЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳар бир ишидан завқ оламиз, беихтиёр уларга ўхшагимиз келади. Бундай инсонларни одатда ўз касбининг устаси, моҳир мутахассис сифатида кўпчилик “устоз” дея қадрлашади. Қурилиш соҳасида фаолият қўриб, юзлаб ёшларга касб сирларини ўргатишда жонбозлик кўрсатган ана шундай инсонлардан бири Баҳодир Хўжаматовдир. У 1960 йили Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманининг Деҳқонobod қишлоғида туғилган.



1977 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Фарғона вилояти ижроия кўмитаси архитектура ва қурилиш ишлари бўлими лойиҳалаш гуруҳида муҳандис-катта архитектор лавозимида иш фаолиятини бошлаб, 1978 йилда Тошкент политехника инсти-

тутига ўқишга киради. Олийгоҳни муваффақиятли якунлаб, меҳнат фаолиятини Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани ижроия кўмитаси архитектура ва қурилиш ишлари бўлимида катта муҳандис сифатида давом эттирди.

Б. Хўжаматов қарийб ярим асрдан буён қурилиш ва архитектура соҳасида турли лавозимларда меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозирда Баҳодир Кўчқорович Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори сифатида юртимиз бунёдкорлигига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Малакали архитектор фаолияти давомида мамлакатимизнинг турли манзилларида шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, янги-янги бино-иншоотлар қуришга қаратилган кўйлаб бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди. Юзлаб шогирдлар етиштирди, уларда ўз касбига бўлган садоқат ва масъулиятни шакллантирди. Кўни кеча Баҳодир Хўжаматов ўз таваллуд кунини нишонлади. Шу муносабат билан устозни ҳамкасблари, дустлари ва шогирдлари номидан самимий муборакбод этиб, у кишига узоқ ва мазмунли умр, сийхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Қўтлугў ёш муборак бўлсин, устоз!

Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги марказий бухгалтерия бош мутахассиси Баҳром Сирлибаев, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси Беҳзод Эргашов, Пудрат бозори ва қурилиш индустриясини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Дилмурод Элибоев,

“Ташгирпрогор” АЖ бош ҳисобчиси Марьяна Курбанова, архитектор Арнелла Захарян,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Туман (шаҳар) қурилиш бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Озод Шодиев,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи Бахтиёр Соатов,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси назорат бўйича инспектори Шохинур Шомаликов,

Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги “Тумарис” МЧЖ БСК бош директори Шўдрат Элмуродов,

Навоий шаҳар “Навоий Проффессионал Бошқаруви” МЧЖ БСК бош директори Фахриддин Сирожиiddинов,

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги “Аброр Голд Қурувчи” бошқарув ташкилоти бош директори Абиддин Султонов, Учтепа тумани “Zolotoy Znak Uka” МЧЖ бош директори Зоҳид Ходжамонов, Юнусобод тумани “Newfortuna” коммунал бошқарув ташкилоти бош директори Хонзода Артикава,

Чирчик шаҳар “Гўзал шахрим гуллаларини” бошқарув ташкилоти бош директори Садриддин Тожидиновларни таваллуд кўни билан чин дилдан муборакбод эта-миз.

Уларга сийхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бугуннинг талабидир

Фозилжон ҚОСИМОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда уй-жойларни бошқаришда юқори самарага эришиш мақсадида фаолияти йўлга қўйилган бошқарув сервис компаниялари аҳолига кўплаб қулайликлар яратмоқда. Натигада ҳудудлар оптималлаштирилиб, коммунал хизматлар учун тўловлар бир жойда амалга оширилади. Шунингдек, бошқарув сервис компаниялари таркибда 24 соатлик иш режимида фаолият юритувчи "Тез коммунал хизмат" тизими ҳам йўлга қўйилган. Бу орқали авария содир бўлганда муаммони тез фурсатда бартараф этиш имконияти яратилган.

Айни кунларда Жиззах шаҳридаги "Заргарлик" МФИда аҳоли учун "Жиззах таъмирлаш коммунал сервис" МЧЖ бошқарув сервис компанияси томонидан сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Компания маҳалла ҳудудидаги 54 та кўп квартиралли уйдаги 2 224 та хонадонга коммунал хизмат кўрсатиб келмоқда. Утган давр мобайнида ҳудуддаги 28 та уйнинг 4 180 м² том қисми юмшоқ қоплама билан, 16 та кириш йўлаклари, 24 та уйлардаги 780 м² оқова сув ва 610 м² ичимлик суви қувурлари мукамал ва жорий таъмирланди. Аҳолининг талаб ва тақлифлари ўрганилган ҳолда, кўп квартиралли уйларга 101 дона тунги ёришти чироқлари ҳамда уйлар атрофига 38 дона чиқинди йиғиш қутилари ўрна-тилиб, масъуллар бириктирилган ҳолда

кундалик назорат тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Бошқарув сервис компанияси масъуллари томонидан ҳудудни яшил маконга айлантириш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида кўп қаватли уйлар атрофига 410 дона турли хилдаги меваги ҳамда манзарали кўчатлар экилган.

– Бугунги кунда бошқарув ташкилотимиз томонидан "Заргарлик" МФИда яшовчи мулкдорларга 12 тадан зиёд қўшимча хизматларни йўлга қўйганимиз, – деди компания раҳбари Алишер Содиқов. – Бу жараёни сифатли амалга ошириш учун моддий-техника базамизни 152 млн сўмлик ускуналар билан жиҳозлаганимиз. Аҳоли мурожаатларини тез фурсатда бартараф этиш ҳамда уларга кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида таш-



келитимиз фаолиятини бошлаган пайтдан куну тун ишлайдиган диспетчерлик хизмати ташкил этилган.

Бугунги кунда Жиззах вилояти Қурлиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси томонидан вилоятда кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик суви, оқова сув, иссиқлик таъминоти тармоқлари ҳамда иншоотларини капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг бугунги техник ҳолатини чуқур ўрганиш каби долзарб

масалаларни тезкор муддатда ҳал этиш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Бу борада коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси халқ турмуш даражасини ошириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, улар учун қулай шaroитлар яратишда муҳим аҳамиятга эга. Бугун тизимда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиликлар туфайли вилоятимиздаги кўп квартиралли уй-жойлар янада обод бўлмоқда. Йиллар давомида аҳолини қийнаб келаётган му-

амолар тезкорлик билан бартараф этилаётганидан аҳоли ҳам мамнун.

Бошқарма томонидан бу каби компаниялар фаолиятини нафақат Жиззах шаҳрида, балки туманларда ҳам йўлга қўйиш бўйича бир нечта лойиҳалар ишлаб чиқилган. Демак, тез орада туманларда ҳам бошқарув сервис ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилади ва ҳудудлардаги кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш яхшиланади.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маккаммов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Узсанотқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвeст» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunydokor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 99-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бюрогига – Г-437.
1749 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган кўпёзмалар
такриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир –
Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – И. Ибодулло.

ЎАД якуни –
Топширилди – 23.50. 1 2 3 4 5 6

Ташаббускор аёл муносиб тақдирланди

Азиз МАШРАБОВ, журналист.

Аёл – дунёни яратувчи, қўли гул пазанда, тикувчи, ўқитувчи ва шифокор бўлиши мумкин. Юртимизда шундай аёллар борки, ғайрат-шижоатда эркаклардан асло қолшмайди. Касбига бўлган муҳаббати уларга куч беради. Бу куч эса уларни турли ташаббуслар қилишга, янада шижоат билан ишлашга ундайди.



Ана шундай меҳнаткаш аёл, тажрибали ва ташаббускор коммунал соҳа ходимларидан бири, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида фаолият юритадиган "Темур-Термиз сервис" профессионал бошқарув компанияси раҳбари Татьяна Рўзиевадир. Татьяна опа 1964 йилда Россия Федерациясида туғилган. 1984 йил Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрига келин бўлиб келган.

Одатда кўпчилик қизлар болалигида кўгирчоқ уйнашни яхши кўради. Аммо қахрамонимиз дугоналаридан фарқли равишда болалигиданоқ турли йўнчоқлардан уйлар қуришга, темир буюмлардан нималардирлар ясашга жуда қизиққан. Уша пайтдаёқ келажакда қурувчи бўлишни орзу қилган. Уста қурувчи бўлмаса-да, опа бугун бошқарув компанияси раҳбари сифатида коммунал соҳанинг зўр мутахассиси, халқимизга нафи тегадиган соҳа вакили бўлди.

Татьяна Рўзиевани Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида камтарин, самимий инсон, садоқатли дўст, масъулиятли ва меҳнаткаш ходим сифатида яхши билишди, ҳурмат қилишди. Унинг тажрибаси, ишга бўлган муносабати кўп ҳамкасбларига, айниқса, вилоятдаги 32 та бошқарув сервис компаниясига ўрнак бўла олади.

Албатта, аввало, хар бир фуқаро бугун ўз уйига эътибор-

ли бўлиши, фаровон яшаш учун масъулиятни хис этиши лозим. Бунинг учун эса бошқарув сервис компанияларининг хизматларидан фойдаланган ҳолда соҳа вакиллари томонидан берилётган тушунтиришларга тўлиқ риоя этиши шарт. Татьяна опа билан суҳбатимиз давомида иш жараёни билан ҳам яқиндан танишдик. Ҳақиқатан ҳам, опанинг иши жуда мураккаб экан. 16 йил давомида битта вазифада, яъни, кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиб келётган Татьяна опанинг асосий мақсади халқнинг фаровонлигини таъминлаш, муаммоларини вақтида ҳал этиб, қулай яшаш шaroитини яратишдан иборат.

"Темур-Термиз сервис" профессионал бошқарув компанияси 22 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Бошқарув ташкилотидан 8 нафар ходим меҳнат қилади. Бу ерда кўп қаватли уйлардаги барча умумий мулкка, хусусан, том қисминини таъмирлаш, кириш йўлақларини янгилаш, иссиқлик қувурларини алмаштириш, эшиклар ва ойна ромларини ўрнатиш, фасад қисми, ички муҳандислик ва коммуникация тармоқларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари бўйича хизматлар кўрсатилмоқда. 24 соат ишлайдиган диспетчер хизмати мурожаатларни қабул қилиб, муаммонинг йўналиши бўйича ходимларга вазифа беради.

– Биз учун вақтнинг аҳамияти йўқ – деди Татьяна Рўзиева. – Асо-

сий мақсадимиз – халқни уйлаш, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилиб бериш. 16 йил давомида шу соҳада фаолият олиб бораётганим, бу борада орттирган тажрибам менга куч беради. Тўғри, баъзан атрофдагилар нега айнан шу касбни танлаганимни, оила, рўзгордан ортиб, катта масъулият талаб қиладиган иш фаолиятимнинг қийинчиликлари ҳақида сўрашди. Очиги, ишимиз қийин бўлгани билан завқли. Бу завқ эса халққа хизмат кўрсатишдир.

Дарҳақиқат, инсон ўз касбини севсагина ишига чин дилдан ёндашади. Меҳнатининг қадр багини таъминлаш, муаммоларини вақтида ҳал этиб, қулай яшаш шaroитини яратишдан иборат.

Аҳолига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 24 соатлик диспетчерлик хизмати ташкил этилган. Кўп қаватли уйлар атрофини тоза ва озода сақлаш, маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича кундалик назорат тизими ўрнатилган. Бу ҳам аҳоли учун яратилган қулайликлардан бири бўлиб, ҳудуд кифёсини обод қилиш ва аҳоли турмуш тарзини фаровонлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, бошқарув сервис компанияси ҳудуддаги мулкдорлар билан 3 685 та шартнома имзоланган бўлиб, аҳоли тўлиқ хатловдан ўтказилган. Ҳар битта кўп қаватли уйнинг паспорти ишлаб чиқилиб, аҳолининг маълумотлар базаси яратилгани эса компания ва аҳоли ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишига замин яратди.

Биламизки, бошқарув компанияларининг самарали фаолият юритиши ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Буларнинг барчаси керакли маблағни талаб қилади. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларнинг умумий мулкни доимий равишда соз ҳолатда сақлашда аҳолидан ундирилган мажбурий бадал тўловларининг ҳиссаси катта бўлиб, бошқарув ташкилоти томонидан ушбу

Кўп қаватли уйларга кўркамлик бағишлаётган компания

Беҳзод АҲМАТКУЛОВ, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарорига мавофиқ бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар туфайли кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда.

Зеро, сўнгги йилларда бу соҳа бироз эътибордан четда қолганлиги боис хизмат кўрсатиш сифати пасайиб, аҳолининг ширкатларга нисбатан ишончи йўқолиб бораётган эди. Фаолияти "ўрта" ва "оғир" деб баҳоланган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тугатилиб, уларнинг негизда янги бошқарув сервис компанияларининг ташкил этилиши натижасида соҳада катта ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Ана шундай замонавий бошқарув сервис компанияларидан бири Гулистон шаҳрида фаолият юритиб келаётган "Истиқлол коммунал хизмат таъмир" МЧЖдир. Ушбу БСК Гулистон шаҳрининг "Бўстон" ва "Буюк келажак" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган 91 та кўп қаватли уйга бир неча турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда. Компанияда ҳозирда 20 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритиб, яхши моддий-техник базасига эга, максус асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Хабарингиз бор, бу йилги қишда аномал совуқ туфайли энг кўп муаммоларни бартараф қилган соҳа вакиллари ҳам, энг қийин кунларни бошидан ўтказган инсонлар ҳам айнан коммунал тизим ходимлари бўлди. Ана шундай мураккаб вазиятлар қайта такорланмаслиги учун бошқарув компанияси томонидан аҳоли маблағлари ҳисобидан "Бўстон" МФИдаги 48 та кўп қаватли уйнинг том қисми ҳамда 33 та кўп қаватли уйнинг кириш йўлақлари жорий таъмирдан чиқарилди. 17 та кўп қаватли уйнинг электр кабеллари янгисига алмаштирилиб, 25 та кўп қаватли уйнинг ертўладаги канализация қувурлари таъмирланди. 18 та кўп қаватли уйнинг фрамуга ойналари алмаштирилиб, носоз лифтлар таъмирланди. Кўп қаватли уйларнинг ён-атрофига 200 дан ортик манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, атроф кўркамлаштирилди.

Аҳолига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 24 соатлик диспетчерлик хизмати ташкил этилган. Кўп қаватли уйлар атрофини тоза ва озода сақлаш, маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича кундалик назорат тизими ўрнатилган. Бу ҳам аҳоли учун яратилган қулайликлардан бири бўлиб, ҳудуд кифёсини обод қилиш ва аҳоли турмуш тарзини фаровонлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, бошқарув сервис компанияси ҳудуддаги мулкдорлар билан 3 685 та шартнома имзоланган бўлиб, аҳоли тўлиқ хатловдан ўтказилган. Ҳар битта кўп қаватли уйнинг паспорти ишлаб чиқилиб, аҳолининг маълумотлар базаси яратилгани эса компания ва аҳоли ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишига замин яратди.

Биламизки, бошқарув компанияларининг самарали фаолият юритиши ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Буларнинг барчаси керакли маблағни талаб қилади. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларнинг умумий мулкни доимий равишда соз ҳолатда сақлашда аҳолидан ундирилган мажбурий бадал тўловларининг ҳиссаси катта бўлиб, бошқарув ташкилоти томонидан ушбу



масалала ҳам ижобий ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолидан мажбурий бадал тўловларини ундириш бўйича "Менинг уйим" биллинг тизимида маълумотлар базаси шакллантирилиб, ташкилот Марказий банкнинг "Мунис" электрон тўлов тизимига улланган. Аҳолига ўзи ҳақидаги маълумотларни "Менинг уйим" биллинг тизими орқали олиш имкони яратилгани эса соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижасидир. Қолаверса, кўп квартиралли уйларда электр энергияси ва табиий газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича бошқарув ташкилотининг ўзи томонидан бажариладиган иш турлари аниқлаб олинган туфайли мавжуд камчиликлар қисқа муддатларда бартараф этиляпти.

– Бугунги кунда ҳам компания ишчи-ҳодимлари билан кўп қаватли уйларнинг ҳолатини яхшилаш ва аҳолига қулай шарт-шaroит яратиш мақсадида катор ишларни амалга ошириб келяпмиз, – деди БСК раҳбари Замира Зулпихарова. – Жумладан, кўп қаватли уй-жойларнинг 3 700 м² том қисми ва 25 та кириш йўлақлари таъмирланиб, 30 та фрамуга ойналари янгисига алмаштирилди. 4 та лифт ускунаси таъмирланиб, 220 метр электр симлари янгиланди. Шунингдек, 160 п/м оқова сув қувурлари янгисига алмаштирилди. Кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларида 2 км узунликдаги лотокларни тозалаш, 400 дан ортик турли хилдаги меваги ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказдик.

Ўқоридаги каби амалга оширилаётган ишлар натижасида БСК ўз олдига қўйган режани 90-95 фоиздан ортик бажариб келмоқда. Бошқарув компаниясининг бу тажрибасини вилоят миқёсида омалаштириш мақсадида Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги барча бошқарув сервис компаниялари вакиллари иштирок этиб, "Истиқлол коммунал хизмат таъмир" БСКнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Келгусида бу каби компаниялар вилоятда яна кўплаб ташкил этилиб, ҳудуд кўркамлиги ортиб боради, деган умиддамиз.